

## **Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимда коррупцияга қарши курашиш ДАСТУРИ**

### **I. Умумий қоидалар**

Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрлари тубдан қайта кўриб чиқилди, кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинди, Агентлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, барча йўналишларда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни республикада кейинги йилларда ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этиш ҳамда амалга оширишнинг умумий йўналишга эга бўлган ягона ёндашувини шакллантириш янгиланган Коррупцияга қарши курашиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) қабул қилиш ва амалга ошириш заруриятини тақозо этди.

### **II. Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари**

1. Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш, ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учуй жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Дастурнинг асосий мақсадидир.

2. Қуйидагилар Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

коррупцияга қарши курашишда Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизими фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни баҳолаш ва бошқариш;

Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга, уларни олдини олишга ва чек қўйишга, оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари туғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашиш туғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

### **III. Дастурнинг асосий йўналишлари**

#### **1-боб. Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий чора-тадбирлар**

3. Ўсимликлар карантини ва химояси буйича давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашиш кенгашини тузиш ва унинг вазифалари, ваколатларини белгилаш.

4. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлик мезонларини ҳамда унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш.

5. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларининг фаолиятини жисмоний ва юридик шахслар томонидан онлайн тартибда баҳолаш тартибини жорий этиш буйича таклифлар тайёрлаш.

6. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати фаолиятида коррупция келтириб чиқариш хатарлари мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида фуқаролар ўртасида Агентликнинг “Telegramm” мессенжерига канали ва “karantin.uz” сайтига “Коррупцияга қарши курашамиз” мавзусида

ижтимоий сўровни ўтказиш ҳамда сўров натижаларини таҳлил қилиб, унинг омилларини бартараф этишга қаратилган “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш.

7. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни аниқлаш ва бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Агентликнинг расмий веб-сайтида Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизимидаги вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилишини таъминлаш.

9. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнида жамоатчилик вакиллари иштирокини, шунингдек, аттестациянинг онлайн тарзда ўтказилишини жорий қилиш орқали унинг шаффофлигини таъминлаш.

10. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида ходимларни ишга қабул қилиш тартибини белгилаш.

11. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида ишлаётган ходимларни жой-жойига қўйиш бўйича масалаларни қайта кўриб чиқиш. Бунда узоқ вақт давомида битта лавозимда ишлаб келаётган ходимларни аниқлаш ва уларни бошқа лавозимларга ўтказиш бўйича ички ротацияни амалга ошириш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш.

12. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларининг ижтимоий аҳволини ўрганиб бориш тизимини жорий этиш. Бунда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кўп болали ходимлар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ҳамда заруриятга кўра, моддий жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриш бўйича таклифлар бериб бориш.

13. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида товар-моддий бойликларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш. Бунда ходимларнинг иш ҳажми ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, транспорт воситалари ҳамда бошқа моддий бойликлардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

14. Давлат харидлари бўйича ҳар бир товар позицияси кесимида харид нархларини вилоятлар ва республика бўйича таҳлил қилиб бориш, нархларни энг мақбул бўлишига эришиш.

15. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини мониторинг қилиш имкониятини яратиш.

16. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар (давлат харидлари билан

боғлиқ шартномалар руйхати)ни Агентликка маълумот тариқасида такдим этиш ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш.

17. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш. Бунда мураккаб булган давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциявий бўшлиқлари мавжуд бўлган нормаларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**2-боб. Ўсимликлар карантини ва химояси  
бўйича давлат хизмати тизимида  
коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва  
ходимларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини  
юксалтириш**

18. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш.

19. Ўсимликлар карантини давлат хизмати тизими ходимларига коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрлаш ҳамда тарқатиш.

20. Коррупцияга қарши курашиш мавзуси доирасида ижтимоий видеоролик тайёрлаш ҳамда коррупция, ҳалоллик, қонунга ҳурмат, адолат тантанаси мавзуларида тарғибот материаллари, дидактик материаллар, мультипликацион фильмлар тайёрлаш.

21. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.

**3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш,  
уларга чек қўйиш ҳамда уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-  
шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни  
содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш**

22. Агентликнинг веб-сайтида ходимлар устидан шикоят қилиш имконини берувчи махсус саҳифа очиш, келиб тушган шикоятларни мунтазам таҳлил қилиш ва натижалари бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш механизмини йўлга қўйиш.

23. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари қабул қилишда видео ҳамда аудиога ёзиб олиш тизимини жорий

этиш орқали шикоятлар келиб тушишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

24. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини Агентликнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини химояси ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ва идоравий мансуб ташкилотлари кесимида ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш.

25. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизимида мансаби юқорироқ булган ходимнинг шахсий ишларини (кўчадаги ишларни битиртириши, фарзандини таълим муассасасидан олиб келтириши ва ҳ.к.) амалга ошириши учун ўзидан пастрок лавозимда бўлган ходимга кўрсатма берганлиги ҳолатлари аниқланган ҳолларда, мазкур вазият юзасидан мониторинг ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва натижаси бўйича тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

26. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизимида “Сирли мижоз” тадбирларини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

27. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларини ҳар олти ойда камида бир марта Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар, идоравий мансуб ташкилотлар бошлиқлари томонидан профилактик суҳбатдан ўтказишни йўлга қўйиш. Тизимда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоратадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ҳаракат ёки ҳаракатсизликда жиноят аломатлари кўзга ташланган тақдирда дарҳол раҳбарият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга билдириш.

28. Ўсимликлар карантини ва химояси давлат хизмати тизими ходимларининг билим савиясини текшириш ва ошириш мақсадида Агентлик марказий аппарати томонидан аттестациядан ташқари уларнинг билимларини масофавий баҳолаш суҳбатларини ташкил этиш, қабул қилинаётган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, янгиликлар ҳамда мутахассисликлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш.

#### **Дастурнинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар**

29. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширишдан кўйидаги натижалар кутилмоқда:

тизимда коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши;

Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизими фаолиятининг очиқлигига эришилиши ва зиммасига юклатилган вазифалар ижросига нисбатан ходимлар масъулиятининг янада ортиши;

Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича давлат хизмати тизими ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одобахлоқининг юксалиб бориши;

Агентлик фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш.

Ички назорат бўлими бошлиғи:



И.Рахимов

Ички назорат бўлими бош мутахссиси:



М.Миразимов

Юридик бўлими бошлиғи:

Д.Зуфарова